

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“АРХИТЕКТУРА” ЙЎНАЛИШИ**

**“АРХИТЕКТУРА НАЗАРИЯСИДА  
ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ”  
модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент - 2016**

## Архитектура

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** ТАҚИ, т.ф.д., профессор, Асқаров Ш.Ж.

**Тақризчи:** Bo Yang, Ph.D., Professor of Civil Engineering, Director of international Exchange Office, Deputy Director of Structural Engineering Research Institute, Chongqing University, China.

*Ўқув -услубий мажмуа Тошкент архитектура қурилиш институти Кенгашининг 2016 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>9</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>14</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>40</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>50</b>
<b>VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....</b>	<b>54</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>55</b>
<b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>57</b>

# І. ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Ишчи дастур олий ва ўрта махсус таълим муассасалари педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Ишчи дастур мазмунида хориж таълим тажрибаси, ривожланган давлатларда таълим тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Ушбу ишчи дастур бугунги архитектура назарияси соҳасидаги сўнгги ютуқлар, тизимлар, усулларини. Дунё архитектура ва шаҳарсозлиги услубларига киритилган ўзгаришларни. Архитектура назарияси соҳасидаги модулни ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни. Энг охириги инновацион лойиҳалаш усулларини. Архитектура ва шаҳарсозлик назарияси соҳасидаги долзарб масалаларни ўз ичига олади

Ишчи дастурнинг мазмуни тингловчиларни **“Архитектура назариясида тизимли таҳлил”** модулидаги назарий методологик муаммолар, чет эл тажрибаси ва унинг мазмуни, тузилиши, ўзига хос хусусиятлари, илғор ғоялар ва махсус фанлар доирасидаги билимлар ҳамда долзарб масалаларни ечишнинг замонавий усуллари билан таништиришдан иборат.

## Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Архитектура назариясида тизимли таҳлил”** модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини архитектура назарияси соҳасидаги инновацияларга доир билимларини такомиллаштириш, инновацион технологияларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш ва яратиш бўйича кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

**“Архитектура назариясида тизимли таҳлил”** модулининг вазифалари:

- архитектура ва шаҳарсозлик соҳасининг ривожини учун муҳим бўлган назария модули бутун дунё ривожланган мамлакатларининг университетларида муҳим ўрин топган.

- модулнинг асосий вазифаси - тингловчиларда архитектура назарияси соҳасидаги инновацияларнинг илғор технологияларига доир олган янги билимларини ўз модулларини ўқитишда ўринли ишлата олиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

## Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

**“Архитектура назариясида тизимли таҳлил”** модулининг ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

- бугунги архитектура назарияси соҳасидаги сўнгги ютуқлар, тизимлар, усулларни;
- дунё архитектура ва шаҳарсозлиги услубларига киритилган ўзгаришларни;
- архитектура назарияси соҳасидаги модулни ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
- энг охириги инновацион лойиҳалаш усулларини;
- архитектура ва шаҳарсозлик назарияси соҳасидаги долзарб масалаларни **билиши** керак.

**Тингловчи:**

- лойиҳа ғоясини асослаш, унинг моҳиятига кўра лойиҳалаш турларини ажрата олиш;
- лойиҳалашдаги рақамли технологиялар тизимининг янгиликларини;
- Ўзбекистон Республикасининг архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги лойиҳалаш усулларини рақамли технологиялар даражасига кўтара олиш;
- Инновацион рақамли архитектурани бинолар энергия истеъмолининг нормаларига жавоб беришини таъминлаш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- лойиҳа ғоясини асослаш графоаналитик ва рақамли усулларида фойдалана олиш, лойиҳани бажаришда халқаро инновацияларидан фойдаланиш;
- айниқса рақамли технологиялар асосида долзарб бўлган энергия фаол биноларни лойиҳалаш, ва конструктив ечимларини танлай олиш;
- архитектура назарияси соҳасидаги янги фалсафий ёндашишларни, услубан янги меъёрларни, инновацион рақамли технологик тизимларни, ва энергия нўқтаи назаридан бенуқсон биноларни лойиҳалаш соҳасидаги янгиликларни ўринли ишлата олиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Архитектура назариясида тизимли таҳлил” модулини ўқитиш жараёнида куйидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маърузаларни ташкил этиш;
- виртуал амалий машғулотлар жараёнида лойиҳа ва кейс технологияларини қўллаш назарда тутилади.

## Архитектура

### Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Архитектура назариясида тизимли таҳлил” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Архитектурада компьютер технологияларни қўллаш”, “Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси” ва “Тарихий шаҳарларни сақлаш ва таъмирлаш” модуллари билан узвий боғланган ҳолда уларнинг илмий-назарий ва амалий асосларини очиб беришга хизмат қилади.

### Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг архитектура ва шаҳарсозликдаги лойihalаш назариялар тизимидаги, лойihalашдаги мисли кўрилмаган рақамли технологик тизимидаги, ва энергия фаол биноларни лойihalаш соҳасидаги инновациялар бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги инновацион лойihalаш назарияларини ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллашга доир проектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					Мустақил таълим	
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси					
			Жами	Жумладан				
				Назарий	Амалий			
1.	Модуль мақсади ва вазифалари. Назария таърифлари. Архитектура назарияларининг назариялари: Буюк Британия, АҚШ, Австралия.	7	6	2	4		1	
2.	Биринчи қисми: Рақамли архитектура генезиси - Заха Хадид (Ироқ - Буюк Британия). Иккинчи қисми: Рақамли архитектура назарияси - Патрик Шумахер (Буюк Британия).	7	6	2	4		1	
<b>Жами</b>		<b>14</b>	<b>12</b>	<b>4</b>	<b>8</b>		<b>2</b>	

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-маъруза: Модуль мақсади ва вазифалари. Назариялар таърифлари. Архитектура назарияларининг назариялари: Буюк Британия, АҚШ, Австралия.**

Назарияларни қайта кўриб чиқиш зарурияти. Янги архитектура назарияси. Америка Европанинг шаҳарсозлик назариялари ҳақида. Архитектура назарияси. 21- аср таълимига янгича ёндашиш. Архитектура тизими ҳақида.

**2-маъруза: Биринчи қисми: Рақамли архитектура генезиси - Заха Хадид (Ироқ - Буюк Британия).**

Василий Кандинский. Казимир Малевич. Herbert Hericke House. Peak Hong Kong. Weil am Rhein Landesgartenschau. Хайдар Алиев маданият маркази. Ўқиш. Бир ғоя. Компьютер ва топология. Советларнинг қараши. *Liquid space*. Мегаломания. *Identity*. Аёл ва эркаклар. Уй ва иш. Назария ва амалиёт. Франк Гери.

Иккинчи қисми: Рақамли архитектура назарияси - Патрик Шумахер (Буюк Британия). Кириш. Рақамли архитектура тарихининг бошланиши. Лойihalашнинг янги усуллари қидириш. Заха Хадид ўз ҳақида. График фазовий бўшлиқ. Пост-Модернизм, Деконструктивизм, Буклаш. Ихтиролар механизми. Бирлаштириш: коллаж ва гибридлар яратиш. Абстракция. Ўхшашликлар. Сюрреалистик механизмлар. Ҳозирги ишлар. Архитектуранинг янги рақамли тили сари. Ўзаро узвий артикуляция.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-амалий машғулот: Модуль мақсади ва вазифалари.**

Назария таърифлари. Архитектура назарияларининг назариялари: Буюк Британия, АҚШ, Австралия.

**2-амалий машғулот: Рақамли архитектура генезиси - Заха Хадид (Ироқ - Буюк Британия). Рақамли архитектура назарияси - Патрик Шумахер (Буюк Британия).**

Амалий машғулотларларни “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Давра суҳбати”, “Кейс стади” ва бошқа таълим технологияларидан фойдаланилган

## Архитектура

ҳолда ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда ўқув жараёнида фойдаланиладиган замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши, маърузалар бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдирот тайёрлаш, амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилади.

### ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

### БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Топшириқ турлари	Баллар тақсимооти	Максимал балл
1.	Мавзулар бўйича кейслар	1,5 балл	2.5
2.	Мустақил иш топшириқлари	1,0 балл	

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология тингловчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

**Фикр:** *“«VII-асрдан бошлаб классицизмнинг византик кўриниши, ислом архитектураси сифатида ривожлана бошлади”.*

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

#### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- тингловчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

“SWOT-таҳлил” методи

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



*Архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида олиб бораётган амалий тадқиқотлар* тизимининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

<b>S</b>	Архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида олиб бораётган амалий тадқиқотлар тизимининг кучли томонлари	Типологиялардан топологик рақамли архитектурага ўтиш учун йўл - бошқа имкониятларни/усулларни тарқатиш ва тестлаш. Эволюцион инновацияларни ўзгаришдан (изменение, mutation) бошлаб, саралашга (отбор) ўтиш керак, ва, ниҳоят, ишлаб чиқаришга (воспроизведение) келтириш даркор.
<b>W</b>	Архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида олиб бораётган амалий тадқиқотлар тизимининг кучсиз томонлари	Топологик рақамли архитектурани автоматик равишда чизмаларни яратиш бера олмаслиги
<b>O</b>	Архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида олиб бораётган амалий тадқиқотлар тизимидан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	Компьютернинг 3D моделлаштириш дастурида виртуал 3-ўлчамликда ёки анимацияларида архитектурани презентация қилади.
<b>T</b>	Тўсиқлар (ташқи)	Архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида олиб бораётган амалий тадқиқотлар тизимининг камчиликлари

## “Инсерт” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод Тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод Тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда Тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

*“Исломи аслида архитектурасиз чўлдан чиқиб, Шарқий Рим империясининг Грек архитектурасини ўзлаштириб олди.*

*Бу левантиялик Жаноб Кристофер Рэн жуда кўплаб биноларни яратган, аммо Хашаматли Сулаймон Масжиди унинг энг буюк ишларидан ҳисобланиб, буюклик баҳосига лойиқ меъморий намуналар кўп бўлсада, у ислом архитектурасининг етук ва ёрқин наъмунаси ҳисобланади.”*

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, тингловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

## “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини

## Архитектура

мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир тингловчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
<i>Функционалистик шаҳарсозлик</i>	Функционализм учун шаҳар - бу жойлаштириладиган қулайликлар: турар ва иш жойлари, дам олиш, уларга хизмат қилувчи йўллар. Хаммаси аралашмаслиги лозими; демак, функционалистик шаҳар - зоналаштиришдир.	
<i>Инсонпарварлик шаҳарсозлиги</i>	Инсонпарварлик шаҳарсозлиги тарихий ва бугунги ижтимоий тизимларни тушунишга ва барпо этишга интилади. Унинг инсонпарварча лойихалашни фойдаланувчиларнинг қарашларидан келиб чиқиб, уларнинг юриш-туришига мос келган ранг-баран атроф мўҳитни яратади.	
<i>Систематик шаҳарсозлик</i>	Систематик ёндашиш шаҳарсозликнинг катта қўламли қисмларига таянади ва шаҳар учун йирик тартиб яратади. Систематик назария урбанизацияни ва ижтимоий мураккабликларни муқаррар деб қабул қилади. Мураккаблашаётган оламда шаҳарсозликнинг энг муҳим мақсади - шахсий иморатлардан кўра асосий тизимларни таъминлаб бериш.	
<i>Формалистик шаҳарсозлик</i>	Формалистик шаҳарсозлик ўтмишга боқадиган ҳаёлпарастликка ўхшаса ҳам, у, бутунлай тарихга берилиб кетмасдан, ўтмишдаги бугун учун фойдали бўлган анъанавий ечимларни, ва улар билан бирга ҳалқ хотирасини ҳам замонавий архитектура ва шаҳарсозликка киритиб бормоқда.	

## Архитектура назариясида тизимли таҳлил

<i>Европача ва Америкача шаҳарсозлик</i>	Европа назарияси кўпинча ижтимоий мақсадлардан келиб чиқади, Американинг амалиёти эса одатдагича иқтисодий имкониятлар ва талабларни муҳим кўради. Шаҳарларимиз фойдасига ишламоқчи бўлсак - Американинг шаҳарсозлик назариясига яқинроқ бўлганимиз афзал.	
<i>Архитектура назариясида тизимли таҳлил</i>	Архитектура назарияси - бу шундай восита-ки, у билан архитекторлар архитектура мақсадларини ҳозирги архитектура аҳволи билан таққослашади. Назария вазифаси муҳим, чунки у архитектура амалиётини назорат қилади ва уни жамият тажрибасидан узоқлаштирамайди.	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу: Архитектура назарияси - тизимли таҳлил.

##### Режа:

1.1. Назарияни аниқлаш.

1.2. БУЮК БРИТАНИЯ, АҚШ, АВСТРАЛИЯ, МДҲ назариялари.

1.3. Архитектуранинг янги назарияси.

*Таянч иборалар:* назария, кузатув, тахмин, изоҳ, гипотеза фараз, қонуният, абстракт.

**Ушбу модулнинг мақсади** – тингловчиларнинг архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида олиб бораётган амалий тадқиқотлари учун зарур бўлган дунёқарашини кенгайтириш (4 пара). Таълим олувчининг олдига тақлиф этилган дунёқарашни ўзининг мустақил иши билан кенгайтириш мақсади қўйилади (1 пара). Баҳонинг 50 % и таълим олувчининг фикрлай олиши, уни ўқиб баён этиб бера олиш қобилияти учун берилса, 50 % баҳо семестр охирида тақдим этилган мустақил иш учун берилади.

#### 1.1. Назарияни аниқлаш.

**Назария (муҳокама қилиш, кузатув, тахмин):** 1 – фикрий ўрганиш; кузатиш; 2 – амалга оширилиши мумкин бўлган нарсанинг фаразий ғоя ёки режаси; 3 – тамойилларни тизимий ифодалаш; 4 – зохирий муносабатларни ёки маълум даражада текширилган, маълум даражада кузатилган ҳодисаларнинг асосида ётувчи тамойилларни шакллантириш; 5 – Амалиётдан қатъий назар, унинг тамойиллар ва услублар илмларидан иборат саъат ва илм соҳаси; Амалий ва илм-модулга умуман қарама-қарши бўлган ва х.к.; 6 - оммабоп: соф фараз, тахмин, гумон. (Neufeldt, Guralnik, 1988).<sup>1</sup>

**Назария** (грекча.: кузатув, тадқиқот) – ниманидир, қандайдир амалга оширишнинг ғоя ва режаси; аниқ, ўзаро боғлиқликларни ёки унинг асосида ётувчи қоидаларни шакллантириш; тамойилларни тизимий ифодалаш; услублар ва тамойиллар ҳақидаги билим; қонуниятларни очиб берувчи тажрибани умумлаштириш. Хар бир давр назарияси тарихий маҳсулот ҳисобланади.

**Назария** маълум бир ҳодисаларнинг таъсирини очиб берувчи, шаклланган умумий қоидаларни қўллаб – қувватлаш бўйича сезиларли даражада гувоҳлик беради.

---

<sup>1</sup> Akhilesh Bajaj, Stanislaw Wrycza, “Systems Analysis and Design for Advanced Modeling Methods”, Technology, Business Англия 2012

**Назария** олдиндан, шартли равишда кейинги илмий тажрибалар учун асос қилиб олинган **изоҳни** қўллаб-қувватлаган ҳолда, далилларнинг камчиликларини кўрсатиб берувчи **гипотеза** (фараз)дан бошланади.

**Назария** табиатдаги ходисаларнинг кетма-кетлигига таъсир этувчи ҳамда бир хил шароитда ўзгармас умумийлик билан бўлиб ўтаётганларни, қоидаларни аниқ шаклланишини билдирувчи **қонуниятга** олиб келади. (масалан, қувватни сақлаш қонуни).

## 1.2. БУЮК БРИТАНИЯ, АҚШ, АВСТРАЛИЯ, МДҲ назариялари

«НАЗАРИЯНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ ЗАРУРИЯТИ» (Муаммолар, 1975)

Марказий шаҳарсозлик лойиҳалаш ва илмий тадқиқот институти ҳамда Совет иттифоқи Давқурилиш қошидаги Давлат фуқаро қурилиши ва архитектураси қўмитасининг тўплами. Совет архитектураси тарихи, назарияси ва перспектив муаммолари марказий илмий-тадқиқот институти илмий кенгаши томонидан тасдиқланган. (ЦНИИТИА)<sup>2</sup>.

Тўплам архитектура модули ихтиёрида бўлган назарий ва услубий “сармоя”ни қайта кўриб чиқиш зарур бўлган муаммоларнинг хилма-хиллигини ва материаллар турлича эканини кўрсатиб беради.

Тўплам ўз олдига мулоҳаза юритиш учун керакли материаллар берадиган бир қатор қизиқарли муаммоларга эътибор қаратиш мақсадини қўяди.

## БРЮС ОЛСОП:

### 1.3. «АРХИТЕКТУРАНИНГ ЯНГИ НАЗАРИЯСИ» (Allsopp, 1977)

Брюс Олсоп - архитектура профессори Буюк Британия

«VII-асрдан бошлаб классицизмнинг византик кўриниши, ислом архитектураси сифатида ривожлана бошлади. Биз томонимиздан классик деб номланган кўплаб сифатлар ислом цивилизациясида янги ва мухташам шакллар даражасига етди.

Айнан готик архитектурада равоқ, архитектура мувозанатининг асосий элементи бўлиб қолди.

Назарияни амалиётда қўллаш бу - архитектор қандай қилиш техникасини тушунтириб беришга эмас балки бажариб беришга ҳаракат қилади демакдир.

1 Бу китоб – “янги” архитектура назарияси эмас ... тарихи ҳам эмас, ... у ўтмишга таянади лекин амалиёт учун йўл кўрсатувчи сифатида эмас. Архитектура назарияси архитектурани қандай бўлса шундайлигича

---

<sup>2</sup> Akhilesh Bajaj, Stanislaw Wrycza, “Systems Analysis and Design for Advanced Modeling Methods”, Technology, Business Англия 2012

## Архитектура

муҳокама қилиш учун асос бўлиши керак. Бу сўнгги мақсадга олиб борувчи йўл эмас: у – истиқбол (перспектива)га саёхатдир.

- архитекторлар ва омма орасида ғойиб бўлиш.
- архитектуранинг кадр-қийматини изоҳлаш.
- бунинг учун архитекторлар архитектурага бўлган эътиқоднинг тўлиқ тизимига эга бўлишлари лозим.

- Хозирги вақтда: «шахсий фалсафа». Кам учрайдиган буюк заковат эгаси учун бу “яхши”, лекин бошқа минглаб оддий архитекторлар учун эса - йўқ. Янги архитектура услубларга қарши бўлиб, услуб бўлмасликка интилди, лекин оқибатта унга айланди<sup>3</sup>.

Биз шу даражага етдикки, архитекторлар ҳеч қандай архитектуравий асослар билан аниқланмаган, омма учун тобора ёқимсиз бўлган услубларни, шакл ва шартларни амалда қўлламоқдалар.

- биз архитектура ҳақидаги фикрларга асос бўла оладиган суҳбатларга мухтожмиз.

2 -Алберти XV – асрда Ренессанс архитектурасининг назарий асосини шакллантириш мақсадида Витрувийни янгиллади.

1- Қисм. Кўриб чиқиш.

2- Қисм. Таклифлар – Хулоса ўрнида эмас балки назария деб қабул қилиниши мумкин. Архитекторларни яхшилаш ва биз ҳақимизда одамларга сўзлаб бериш ҳақидаги – қоидалар эмас –таклифлар!

Билимларни Аккумуляция қилиш: классик, готик, исломий, сахнавий (барокко, рококо услубининг сахнавий-декоротив санъати), бошқа архитектуралар ҳақидаги билимларни умумлаштириш.

### Ислом архитектураси

Ислом аслида архитектурасиз чўлдан чиқиб, Шарқий Рим империясининг Грек архитектурасини ўзлаштириб олди.

Бу левантиялик Жаноб Кристофер Рэн жуда кўплаб биноларни яратган, аммо Хашаматли Сулаймон Масжиди унинг энг буюк ишларидан ҳисобланиб, буюклик баҳосига лойиқ меъморий намуналар кўп бўлсада, у ислом архитектурасининг етук ва ёрқин наъмунаси ҳисобланади.

Ислом архитектураси Византия ҳамда қадимги Греция архитектурасининг тўғридан тўғри меъросхўри бўлиб, унинг энг катта ютуғи гумбазларнинг ривожланишидир. Шу билан бирга бу абстракт архитектуранинг ёрқин мисоли ҳисобланади. Янги ғарб абстракционистлари эса бунинг олдида бола бўлиб туюлишади<sup>4</sup>.

Минг йилдан ортиқ давр, шундан биринчи 900 йили ислом архитектураси тарихида кўпроқ ижодий давр бўлиб, бу даврда илдизлари

---

<sup>3</sup> Akhilesh Bajaj, Stanislaw Wrycza, “Systems Analysis and Design for Advanced Modeling Methods”, Technology, Business Англия 2012

<sup>4</sup> Toman, Rolf (Ed.) History of Architecture from Classic to Contemporary. Bath-Shenzhen: Parragon, 2013.

қадимий Шумер ва астрономияга бориб тақалувчи архитекторлар, техникларнинг аجدодлари тасвирий санъатнинг ислом тақиқлари остида ишлаганлар. Ислом архитектурасининг ҳозирги бераётган таклифи соф архитектура соҳасининг экспериментал тасдиғи ҳисобланади.

Соф архитектура адолатлими? Жавоби “йўқ” бўлиши ҳам мумкин эди, аммо эҳтиёткорроқ бўламиз. Одатий исломий уй – дунёдаги энг чиройли ва хашаматли уйлардан ҳисобланади.

Ислом архитектураси –ташқи ва ичкининг ўзаро алоқасида, фазонинг ўзгарувчанлигида готик архитектуранинг рақиби бўлиб, готикадек ажойиб бўлмаган ҳолда, лекин абстракт, атмосфера ҳосил қилмасда ўз мазмун моҳиятини очиб бера олувчи бўлиб ҳисобланади.

Ислом архитектураси ўзига ўта заковатли Византиядан архитектурада юзаларга ишлов беришни сингдириб, меърос қилиб олган. Бунинг энг ёрқин наъмунаси - Тож Махал.

(а) У Ғарбда рангли ва чизиқли безакларни тадқиқ қилиш имкониятида энг олий ҳисобланади.

(b) У интерьерларни назоратга олиб лойиҳалашда ўта қўл келган.

(c) Бошқа ҳеч бир архитектура ички табиий ёритиш ва хаво алмаштириш тизимларини назорат қилишда бу қадар омадли бўлмаган.

Бу интерьер иқлимни табиий воситалар билан (энергия сарфларисиз) бошқаришнинг ажойиб қўриниши ҳисобланади.

(d) Грециядан илҳомланган архитектурадан кутганимиздек, у нисбийликда, шаклларнинг хилма-хиллигида ҳамда бўлақларнинг нозиклигида жуда ҳам қойилмақомдир<sup>5</sup>.

### Назорат саволлари:

1. Назарияни аниқлаш?
2. Ислом архитектураси?
3. Архитектуранинг янги назарияси?
4. Назарияни қайта кўриб чиқиш зарурияти?
5. Архитектуранинг кадр-қийматини изоҳланг?
6. БУЮК БРИТАНИЯ, АҚШ, АВСТРАЛИЯ, МДҲ назариялари?

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Akhilesh Bajaj, Stanislaw Wrycza, “Systems Analysis and Design for Advanced Modeling Methods”, Technology, Business Англия 2012.
2. Brown, Alex. A Theory of Theory of Architecture. - The Wikipedia, the Free Encyclopedia, 2011.

---

<sup>5</sup> Toman, Rolf (Ed.) History of Architecture from Classic to Contemporary. Bath-Shenzhen: Parragon, 2013.

## Архитектура

3. Toman, Rolf (Ed.) History of Architecture from Classic to Contemporary. Bath-Shenzhen: Parragon, 2013.

4. Grabar, Oleg. The Role of the Historian // The Aga Khan Award for Architecture. 2010. Baden: Lars Muller Publications, 2010, p.328-333.

5. Brook, Daniel. A History of Future Cities. New York-London: W.W.Norton & Company, 2013.

### **2-мавзу. Ракамли архитектуранинг келиб чиқиши - ЗАХА ХАДИД.**

#### **Режа:**

**2.1.** 1866-1944 Василий Кандинский.

**2.2.** 1878-1935 Казимир Малевич.

**2.3.** 1982“Гонконг чўққиси”.

*Таянч иборалар: композицион, суперматизм, структурализм, деконструктивизм, экспрессионизм.*

Архитектура услубларидаги батартиб нақшлар тузилишида, ҳар доимгидек XX –аср охирига келиб қатор бузулишлар содир бўлди.

Казимир Малевичнинг композицион ранг тасвири услубини 1982-йилда Заха ХадиД “Гонконг Чукқиси” номли бойлар учун мўлжалланган лойиҳасида қўллаган.

Тарқоқ оддий геометрик шакллар келгусида америкалик Франк Герининг асоси ва композициясига айланди<sup>6</sup>.

Структурализм тартибини батамом тугатиш ва композицияни максимал равишда мантикий уйловдан озод этиш учун тартибли равиштаги ячейкалар натижа целлюлит ёки олов оташи каби ХадиД ва Гери томонга шакилсиз юза каби ога бошлади. Шу тарика структурализмни рад этиб унинг урнини деконструктивизм эгаллади. Шундай қилиб жаҳон архитектураси сахнасига хақикий фараонлар мега символларини яратувчи архитектура юлдузлари чиқиб кела бошлади. Уларнинг деконструктивизми экспрессионизмнинг хали жаҳон юзини кўрмаган янгиликларига бошлади<sup>7</sup>.

#### **1.1. 1866-1944 Василий Кандинский.**

Ҳар бир рангларнинг ҳаётда ўз сирли ўрни борлигига катъий ишонган ёш мусаввир Василий Кандинский (1866-1944 й.й.), асарларида узгача ранглар уйғунлиги тасвирланади. Унинг дунё қарашлари ва кейинги ижодий услуби, унинг келиб чиқиши ва ижодга ундовчи сабаб, унга қондан мерос бўлиб қолган. Москвадаги савдогарлар оиласида туғилган Василийнинг

<sup>6</sup> Toman, Rolf (Ed.) History of Architecture from Classic to Contemporary. Bath-Shenzhen: Parragon, 2013

<sup>7</sup> Toman, Rolf (Ed.) History of Architecture from Classic to Contemporary. Bath-Shenzhen: Parragon, 2013

онаси немец булган, отаси Байкалорти мансийлар хокимларидан, катта бувиси Тунгус хокимларидан булган.

В.В. Кандинский ўз ҳисларини ноёб мусиқа орқали, ҳеч қандай тасвирсиз кўрсата билган. 1911 йилда у мусиқа овзи ва ритм орқали инсон хисларига таъсир этишни уз асарларида ранг- тасвир чизгиларида кўрсатган.

Ушбу ранг тасвир принципларини Казимир Малевич (1878-1935 й.й.) 1910-х. йиллар бошида архитектурага киритган.

## 1.2. 1878-1935 Казимир Малевич.

К.Малевич суперматизм (лотинча *supermus*-энг юкори) хакидаранг тасвир суратларида юкори окимларга карам эмаслигини эълон килди. Сунгра Малевич катта хажмдаги макетлар уйғунлигига утди. Албатта архитекторлар унинг юкори даражадаги санъат асарлари ва уларнинг уйғунликларидан хайратда қолишди.

Ҳар бир давр ўз услубига эга. XX-аср охрларида Кандийский ва Малевич ижодий меъроси қайта туғилди.

1970-йилар охирида архитектурада қайта танлаш, деконструктивизм (ишлов бериш) бошланди. Улар янги архитектурадаги “шаклнинг бошқа нарсасига боғлиқлиги”

“Шаклнинг тозаллиги”, “материалларнинг аниқлиги” каби қоидаларни инкор этиб, 20-аср бошларидаги рус архитектураси ривожланишидан илхомланиб уни маъқулади.

Малевич композитцияларидаги уйғунлик Лондон Тингловчиси Ироқлик Захи Хадидни илхомлантирди. Малевич ижодидан Хадид узи учун хар-хил шакллар, чизгилар ва кора, ок, кизил қатламларни ўрганди. Фрагментларнинг қулланилиши яъни хар-хил фрагментлардан катта ва мураккаб бўлган кўринишлар яратди. Хадид қаттиқ ва турғун композициялар яратишни эмас, балким турланиб турувчи ва ҳаракатланувчи композицияларни яратишга интилган<sup>8</sup>.

## 1932й. ГЕРБЕРТ ГЕРИК УЙИ.

Людвиг Мис ван дер Роэнинг лойихасига тўқнаш келгунигача Заха Хадид архитектуравий лойихалашда революцион Россия архитектурасида етарли воситалар қидирди. 1932-йил Мис Берлинда Римдаги Германия академияси директори Герберт Герик учун уй лойихалади. Ушбу уйнинг макети унинг назарида ўта эркин ва К.Малевичнинг ижодига ўхшаш эди. Хадид ўз асарларида деконструктивизмнинг геометрик текисликларида акс этишини топди ва ўз мақсадига интилди.

---

<sup>8</sup> Brook, Daniel. A History of Future Cities. New York-London: W.W.Norton & Company, 2013

### **1982 Гонконг чўққиси.**

Хадид уз ишларининг назарий жихатдан асосланганлигини, унинг архитектурасидан рус механистлари, конструктивистлари ва кўпгина расмиятчи, Малевичга ўхшаган супрематистлар илхомланганлигини таъкидлаб ўтди. Хадид ўзининг асл ва ўзига жалб этадиган архитектуравий лойиҳалари билан танилди. 1982-йилда ўтказилган халқаро конкурсдаги “Гонконг чўққиси” лойиҳаси ғолиб бўлиб, амалда қурилмаган бўлса ҳам, халқаро обруга эга бўлди.

Унинг архитектуравий шакли тўғри бурчакка эга эмас. Унда ишлатилган қурилиш ашёлари тоза, нозик, ўткир геометрик шаклларга эга. Унинг текисликлари ўткир ва ўтмас бурчаклардан иборат. Абстракт хажмлари узун ва чузилган призмалардан иборат. Атрофи максимал ўткир кесишмалар ва туташмалардан иборат. Унинг шиори “Мен суперматизмни қадрлайман, чунки у орқали Галактикага назар ташлаш мумкин” - бу билан унинг ижодининг журадлиги ва эркинлиги тасдиқланади.

“Гонконг чўққиси” лойиҳаси бўйича Хадид шу клубнинг қурилиши керак бўлган тоғ ўрнини ўзгартирмоқчи бўлади бу ерда тошларни қазиб тоғ геологиясини ўзгартириш керак эди.

Тошларни юпқа пластиналарга ўхшатиб худди бир бирининг устида муаллақ тургандек ва клуб биноси худди тоғ чўққисидан осмонга парвоз этадигандек қилиб қурилиши керак эди.

Қурилиш хажми ўз кўринишига ва суперматик геологияга эга. Биринчи ва иккинчи қаватлар- хашаматли хоналардан, иккинчи қаватнинг усти клубнинг асосий майдонини ташкил этади. Баландлиги 13м бўлган клуб биноси 4 чи ва 5 чи қаватлар ораси очик фазовий муҳидга эга ва у ерда пентхауслар, бассейн ва ҳар-хил консол платформалар жойлашган<sup>9</sup>.

Бу платформалар ҳар хил машқлар ва дам олувчилар учун мўлжалланган.

### **1996-1999 Вайл-ам-Райн кўрғазмалар биноси.**

Заха Хадиднинг яна бир яхши лойиҳаларидан бири Германиядаги Вайл-ам-Райн (1996-1999-йил) истирохат боғидаги кўрғазмалар биносидир. Ушбу бионинг кўриниши парк рельефи билан узвий боғлиқ.

Унинг атрофидаги мухит бир қанча йулкалардан иборат. Бу йулкалар кафе ва кўрғазмага бориб туташади.

Ушбу бино регионал ва халқаро боғдорчилик кўрғазмалари учун мўлжалланган.

---

<sup>9</sup> Brook, Daniel. A History of Future Cities. New York-London: W.W.Norton & Company, 2013

## 2007 Гейдар Алиев маданий марказ.

Бакудаги Гейдар Алиев номидаги маданий марказ биноси Азәрбайжон президенти Илхом Алиев томонидан, отаси собиқ мамлакат президенти шарафига буюртирилган.

Марказ Баку шаҳри реконструкцияси дастури асосида бунёд этилди. Бунда 60 минг шаҳар аҳолиси бошқа жойга кўчирилди. Бу албатта осон эмас эди. Бунда архитектор кўпгина масалаларда жавоб беришига тўғри келди. Хадид ўз сўзида: Баку ажабтовур шаҳар, бу ерда бино лойиҳалаш дунёни бир- бири билан боғлаш демакдир. Бу ер совет, турк ва форсийлар қўшилган жой. “Мен араб кизи, бу ерда ўз ишимга эга бўлишимга катъий ишонардим”<sup>10</sup>.

### Ўқиш йиллари.

Заха Хадид 1950йил Богдод шаҳрида бой сиёсатшунос оиласида дунёга келди. Католиклар мактабида ўқиди.

“У пайтларда Ироқ ва Совет иттифоқи ўртасида социалистик битим тузилган давр эди” деб таъкидлайди Хадид ўз сўзида.

“Мен тинчлик замонида ўсиб улғайдим, урушдан кейинги қайта куриш йилари, янги архитектура, дизайн, сиёсат, фалсафа, аёлларнинг илм олишлари буларнинг ҳаммаси мени илхомлантирарди. Мен биринчи марта Москвага борганимни жуда яхши эслайман, буларнинг ҳаммаси қувонарли эди”.

Шундан сўнг Хадид Байрутда математикани ўрганди 1970- йилда Лондоннинг архитектура ассоциациясига ўқишга кетди, ўқишни тугатиб Роттердам шаҳридаги Рэм Кулхаас ва Эли Зенгелис офисида ишлай бошлади. Охирги 40-йилдан буён у Лондонда яшаб келди”. Бу ерда инсонлар келажакни олдиндан яратишга ва янги ҳаёт барпо этишга интилишади, лекин бу осон эмас. Чунки инсонлар назарида, модултастик бирор нарса кўрганда, уни инсон ҳаётида қўллаш ёки фойдаланиш ҳақиқатдан йироқ деб уйлашади. Бу нотўғри, агар инсон хоҳласа жуда ажабтовур нарсаларга эга бўлиши мумкин.<sup>11</sup>”

Заха Хадиднинг ишлари узиниг юкори энергияси, лойиҳаларидаги кўп сонли перспективаларнинг ёркин ранглари кўпгина Сталин давригача бўлган Россия расом ва архитекторлар томонидан ўлкан баҳоланди.

XX-аср ичида Руслар супрематизмни ўзларида тадбиқ этдилар. Уларнинг хар-бир биноларида буни хис этиш мумкин эди.

<sup>10</sup> Brown, Alex. A Theory of Theory of Architecture. - The Wikipedia, the Free Encyclopedia, 2011

<sup>11</sup> Brown, Alex. A Theory of Theory of Architecture. - The Wikipedia, the Free Encyclopedia, 2011

### Дунёқараш.

Лондонда Дизайнинг хамма соҳаларида: шаҳарларни планлаштириш, интерьерларда, мебеллар дизайнида, оёқ кийимлар ва атирлар дизайнида Хадид актив қатнашар эди. 1972-йилда Лондондаги Архитектура Ассоциациясида ўқиб, 1977-йилда диплом олди.

1968-йилда Ғарб ёшларининг архитектуравий умидлари сўнди, лекин янги архитектуранинг асосий қонун қоидалари ўз кучида қолди. Тарихий услублар ичида модернизм ва янги рационализм имкон даражасида кириб келди.

Лекин Хадид янги архитектура услубини охиригача тугатишни мақсад қилди, натижада у бу услуб билан у янги бир дунё кашф этди. Хадид архитектура Ассоциациясида дарс берар эди ва кейинчалик бу ерда 1987й.-да ўз устахонасини очди. Ганконгдаги эришган ютуқларидан сўнг, кетма-кет бошқа ҳалқаро конкурсларда қатор ютуқларни қўлга киритди. Унинг кўпгина экспериментал характерга эга бўлган ранг тасвир ва расмлари қатор журналларда чоп этилди.

### Компьютер ва унинг хусусиятлари.

Хадид уз сўзида “Мен ишни ҳар доим хонаки чизмалардан (наброска) макет ва ранг-асвирлардан бошлар эдим. Кейнчалик рақамли ва визуал (кўз билан кузатиш) технологияларда бизнинг кўл меҳнатимиз бироз ўзгарди. Бу ўз-ўзидан техника асри ривожланаётганлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат компьютер технологиясида ақилга тўғри келмайдиган даражада янгиликлар ва ўзгаришлар қилинди. Моделлаштириш ва 3D технологияси соҳа эгаларининг вақти ва маблағини тежай бошлади. У орқали лойиҳаларни бир жойдан 2-жойга электрон почта орқали қисқа муддатда етказиш имкони туғилди<sup>12</sup>.

Ушбу янги технология компьютер ва унинг хусусиятларига нисбатан бизнинг қарашларимизни кескин ўзгартирди.

